

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ХУСУСИДА

Файзулла Толипов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тар.ф.д (DSc)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20566230>

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган илмий тадқиқотлар ва уларнинг назарий-методологик тамойиллари, илмий - назарий билимларини ўзаро диалектик асосда ташкил этишининг аҳамияти ёритилган. Унда илм-фан ва унинг мазмуни, турлари, типлари ҳамда илмий тадқиқотларни ташкил этишда устоз-шогирд аъёнлари, илмий тадқиқотларни ташкил этишда тадқиқотчининг маҳорати, манбалардан тўғри ва унумли фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш, тадқиқотларни илмий таҳлил этиш принциплари баён қилинган.

Калит сўзлар: илм, илмий тадқиқот, фан, билим, назария, методология, тадқиқотчи, таълим, тажриба, олий ўқув юрти, илмий билиш, ёндашув, тамойил, таҳлил, профессор-ўқитувчи.

Кириш. Ўзбекистоннинг кенг қамровли тараққиёти давлат ва жамият ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда, шунингдек инновацион ҳамда илмий тадқиқот йўналишларида рўй бераётган изчил ислохотлар, айниқса олий таълим тизимида тайёрланаётган илмий ва илмий педагогик кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Бу борада илмий тадқиқотларни самарали ташкил қилиш, бўлажак илмий тадқиқотчилар салоҳиятини янада ошириш, соҳанинг назарий-методологик жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Шу маънода илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда тадқиқотчи ва докторантларга дастлабки илмий фаолиятни ташкил қилиш, илмий тадқиқот соҳаларининг назарий ва методологик жиҳатлари хусусида тушунчалар бериш ва тўғри йўналтириш айни муддаодир. Бунда ҳар бир тадқиқотчи ўз илмий фаолиятини қай йўсинда ташкил қилиш, уни аниқ назарий-методологик ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни ташкил қилишда илмийлик, холислик тамойилларига амал қилиш юзасидан назарий ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Чунки, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири илм-фан ва технологиялар тараққиёти учун замин яратиш, бу борада эришилган ютуқларни амалиётга самарали жорий этишдир. Ушбу масала 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий вазифаларидан бири сифатида қўйилганлиги, 2030 йилда Ўзбекистон Республикасини Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлақати қаторига киришига эришиш ҳамда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажрибаконструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш белгиланганлиги бежиз эмас [1. Б.4].

Адабиётлар шарҳи. Ушбу мавзу азалдан олим ва тадқиқотчилар эътиборидаги, ўрганлиши зарур бўлган муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Мустақиллик

йилларида маълум ижобий натижаларга эришилиб, бу борада проф Н. Шермухамедова (Илмий тадқиқот методологияси. -Т., 2005. Ўша муаллиф: Илмий тадқиқот методологияси. -Т., 2014. Ўша муаллиф: Илмий тадқиқот методологияси. Т., 2021), Ш.Рахматуллаев (Илмий тадқиқот асослари. Т. 2002), Н. Обломуродов (Ўзбекистон тарихи. -Т., 2011.) З. Ҳамидов, М.А.Ганиева, Х. Кулиев, А. Набиева, Ю Шодиметов, М. Ҳазратқулов, ва бошқа олимлар муаммонинг ижтимоий иқтисодий омиллари, илмий тадқиқотларнинг шакллари, типлари ва уларни ташкил этиш йўл ўйриқлари хусусидаги масалаларга эътибор қаратганликлари эътиборга моликдир. Аммо бу ҳали етарли эмас, албатта. Шу боисдан, мазкур мавзуга яқин маълумотлар айрим илмий тадқиқотлар, манбалар, расмий материаллар ва ҳужжатларда акс этган бўлсада, назарий-методологик жиҳатдан истиқболда яна кўплаб илмий тадқиқот ишларини яратиш зарур бўлади.

Метод ва методология. Мақола барча умумтаълим фанлари ва бошқа ижтимоий - гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, объективлик, кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаш тамойиллари асосида ёритилди. Унда шунингдек, илмий - назарий билимларини ўзаро диалектик асосда ташкил этиш, илмий манбалардан тўғри ва унумли фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш, тадқиқотларни илмий таҳлил этиш принципларига амал қилинди. Мақоладаги масалалар 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон Фармонида мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилаётган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва лойиҳаларининг муҳим талаблари асосида баён этилди.

Натижа ва таҳлиллар. Маълумки, илмий тадқиқотларни ташкил этишда илмий тадқиқот маркази ёки олий таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий йўналиши, уларнинг ўз шогирдлари билан олиб бораётган илмий-методологик фаолияти муҳим рол ўйнайди. Чунки илмга кириб келган ҳар бир тадқиқотчи илм қилиш, илмий лойиҳалар танловларида иштирок этиш орқали ўзидаги иқтидор ва билимни юзага чиқаради, ривожлантиради; чунки бу жараёнда у изланади, ўқиб-ўрганади, илмини бойитади. Илм ва илмий лойиҳани амалга ошириш орқали эса мамлакат илм-фани раванқига ҳисса қўшади, моддий ва маънавий манфаатдорликка эга бўлади. Бундан ташқари, лойиҳалар танловлари олимларга ўз илмий мактабини яратиш, муносиб шогирдлар тайёрлаш учун ҳам ўзига хос имкониятдир. Яъни, бунда илмий фаолиятга назарий-методологик ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу фаолият бизнингча қуйидаги йўналишларда акс этса мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, магистр, докторант, мустақил илмий тадқиқотчиларда энг авваломбор илмий тадқиқотларни ташкил қилишнинг назарий, илмий ва амалий хусусиятлари ҳақида кенг тушунчаларни шакллантириш ва уларни янада такомиллаштириш ҳамда амалиётда фойдаланиш малакаларини шакллантириш муҳим рол ўйнайди;

Иккинчидан, тадқиқотчида фан ва илмий билимларни мустаҳкамлашга доир назарий-методологик тасаввурларни бойитиш, уларда илмий фикрлаш ва фаолият кўникмаларини ҳосил қилишга кўмаклашади;

Учинчидан, илмий билишнинг назарий методологияси асосида бўлажак тадқиқотчиларнинг фалсафий, илмий - назарий билимларини ўзаро диалектик асосда янада чуқурроқ ўзлаштиришлари таъминланади;

Тўртинчидан, илмий тадқиқотчилардан илмий фаолиятнинг янги замонавий усуллари, ёндошувларидан ўз илмий тадқиқотлари жараёнида қўллаш ва уларни амалий ўзлаштира билишларига ёрдамлашиш шаклланади;

Бешинчидан, назарий-методологик асос сифатида илмий тадқиқотчилар фаолиятида янгича инновацион ғоялар ва технологиялар ҳамда ноу хаулардан тўғри фойдалана билиш кўникмалари ҳосил қилинади, ўзаро кўмак, бўлажак илмий тадқиқотчиларга назарий ҳамда амалий йўлланмалар бера олиш йўналишлари шаклланади. Албатта, илмий фаолиятни ташкил этишда фаннинг ўрни катта. Н. Шермухамедова қайд этганидек, фан «табиий ҳодисаларни кузатиш, таснифлаш, тавсифлаш, тажрибада синаш ва назарий тушунтириш таомилларини кўрсатиш воситаси» дир [2.Б.9]. Бу таъриф асосан амалий хусусият касб этади.

Муаллифнинг ёзшича, фан «объектлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг оддий мажмуи сифатида эмас, балки объектларнинг муайян соҳаси ҳақидаги назария сифатида» қаралиши лозимдир [3. Б.9]. Бу таърифда илмий ва оддий билимни фарқлашга даъво, фан объектни ўрганишни уни назарий таҳлил қилиш даражасига етказган тақдирдагина тўлақонли хусусият касб этишига ишора мавжуд.

Биз нарсалар ва ҳодисаларни тушунтириш ва уларни таҳлил қилиш тамойилларини аниқлашга муваффақ бўлган тақдирдагина тўлақонли илм-фан ва унинг натижаларига эришамиз. Бунда профессор-ўқитувчининг билими, тажрибаси, кўникмаси, илмий-педагогик салоҳияти, маҳорати ҳамда қобилияти асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, илмий фаолиятни ташкил қилишни оддийдан мураккабга қараб ривожлантириб бориш усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Албатта, бунда илмий ходимларнинг илмий фаолиятидаги муаммоларга нисбатан ўз ўзини танқид ва илмий масалаларга нисбатан таҳлилий ёндашув кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўрни муҳимдир. Яъни, шу орқали устоз ва шогирд янгилик яратишга, кашфиётлар қилишга тўсиқ бўлувчи муаммолар, уларни ечишга кўмак берувчи воситалардани самарали фойдаланмоқдалар. Илмий тадқиқот жараёни олимнинг илҳоми, фантазияси, умумий маданияти, шунингдек унинг шахсий сифатлари билан чамбарчас боғлиқ. Н.Шермухамедова илмий тадқиқот фаолиятини қуйидаги турларга бўлиб таҳлил этади:

Индивидуал илмий тадқиқот. Индивидуал илмий тадқиқот - якка тартибда амалга ошириладиган ва кашфиёт ёки инновацион ихтиро натижалари учун шахсан ўзи жавоб бериши кўзда тутилган тадқиқотдир. Индивидуал илмий тадқиқотда олимнинг шахсий қизиқишлари доирасида мақсадли фаолият амалга оширилади. Бакалавр битирув иши, магистрлик диссертацияси, докторлик диссертацияси ҳимоялари, баъзи монографиялар индивидуал тадқиқотнинг ёрқин маҳсулидир. Барча турдаги индивидуал тадқиқот ишида албатта илм даражаси ва тадқиқотчининг қизиқишлари доираси муҳим омил бўлади.

Илмий тадқиқотнинг натижаси сифатида илмий даража тақдим этилиши учун илмий унвон (аввал магистр, фан номзоди, сўнг фан доктори) олиш мақсадида мустақил тайёрланган ва тугалланган илмий иш тайёрланиши ва унинг ошқора ҳимоя қилиниши

асос бўлиб хизмат қилади. Бакалавр битирув иши магистрлик диссертацияси комиссияси йиғилишларида, докторлик диссертациялари Илмий Кенгашларда ҳимоя қилиниб, талабгорнинг илмий иши савияси нуфузла олимлар жамоасининг яшириш овоз бериш орқали баҳоланади. Диссертацияларга қўйиладиган талаблар ва илмий даражаларни ҳимоя қилиш ва уларни тақдим этиш тартиби ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланади. Аксарият мамлакатларда илмий даражаларни таълим муассасалари Илмий Кенгашларининг ўзи тақдим этади ва тасдиқлайди.

Ҳамкорликдаги илмий тадқиқот. Илмий бунртма асосидаги мақсадли фаолият ҳамкорликдаги фаолиятдир. Ҳамкорликдаги илмий тадқиқотда муайян мақсад ва уни амалга оширишнинг йўллари ўзаро биргаликдаги режа асосида оиб борилади. Режа ва ҳисоботларда жамоанинг иштироки аниқ ўз ифодасини топиши лозим. Масалан, ҳозирги кунда алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича республикамизда ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлган фундаментал, амалий, инновацион тадқиқот дастурлари ҳам ҳамкорликдаги ижод маҳсули бўлади, зеро уларда ишлаб чиқилган режа асосида жамоа аъзоларининг вазифалари фаолият тури бўйича аниқ белгиланган.

Санъат соҳасида ҳамкорликдаги ижод деб, номланган ижоднинг махсус шакли ажратиб кўрсатилади. Бундай ҳамкорлик томошабин ёки тингловчига санъат асарида ифодаланган ҳодисаларнинг ортида яширинган чуқур мазмунни (контекст – текст – тубмаъно) англаш имконини беради.

Техникавий илмий тадқиқот. Техникавий тадқиқот воқеликни амалий (технологик) ўзгартириш билан боғлиқдир. Техникавий ижод ўзининг психологик тавсифига кўра илмий ижодга яқин бўлса-да, фарқли томонларга ҳам эга. Улар қўйидагиларда намоён бўлади. 1. Техникавий тадқиқот тафаккурнинг кўرғазмали-образли ва кўрғазмали-таъсирчан компонентларига таянади. 2. Техник тадқиқот жараёни ихтирочилик, лойиҳалаштиришда намоён бўлиб, амалиёт талабларига жавоб берадиган механизмлар, конструкциялар ихтироси ва унинг натижаси ҳисобланади. Шу маънода, техникавий тадқиқот рационал ва утилитар хусусиятга эга. Ихтиро қилинган нарса, у мавжуд техник базис, техник равнақ эришган даражага таянади.

Бадий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқот. Бадий ижод воқеликни эстетик ўзлаштириш ва одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқдир. Унинг хусусиятлари гарчанд, бадий ижодда мавҳум-манتيқий ва кўрғазмали-таъсирчан тафаккур аҳамиятга эга бўлса-да, асосан кўрғазмали-образли тафаккурга таянади. Бадий ижоднинг бош компоненти – инсоннинг ички кечинмаларининг чўққисида намоён бўладиган эмоционал ҳодисадир. Бадий ижод ижтимоий онгнинг махсус шакли – санъатнинг барча турларида амалга ошади. Унинг натижаси сифатида эса қандайдир моддий объектда (картина, ҳайкалтарошлик намуналари, адабий асарлар ва б.) акс этадиган бадий образ намоён бўлади. Бадий ижоднинг рационал жиҳати яширин бўлиб, кўп ҳолларда утилитар моҳиятга эга бўлмайди, ихтиро ёки янги илмий билим каби уни амалиётга татбиқ этиш талаб этилмайди. Бадий ижод инсонлар томонидан маълум асарни кўп маънода акс эттириш имконини яратади. Бу эса инсонда диднинг ривожлангани ва бошқа оимлар билан боғлиқдир.

Педагогик илмий тадқиқот – бу педагогик жараёнда янгиликни излаш ва топишдир. Бундай ижоднинг биринчи босқичи – ўзи учун янгиликни кашф этиш, педагогик вазифаларни ҳал этишнинг ностандарт воситаларини ишлаб чиқишдан иборат. Бундай воситалар аввалдан маълум, бироқ педагог томонидан қўлланилмаган бўлади. Бу ерда гап инновация каби объектив янгилик ҳақида эмас, балки субъектив янгилик тўғрисида бормоқда. Шундай бўлса-да, эски усул ва воситалардан янгича шароитларда фойдаланиш ҳам мумкин. Иккинчи босқич – нафақат ўзи учун, балки бошқалар учун ҳам янгиликни кашф этиш, яъни новаторликда намоён бўлади. Масалан, педагогик жараён учун самарали бўлган ўқитишнинг янги методини ишлаб чиқиш бунга мисол бўла олади.

Албатта, илк илмий тадқиқот фаолиятини бошлаш жараёнида тадқиқотчида дастлабки кўтаринки кайфият, ўз тадқиқотларидан ғурурланиш, истиқболни белгилаш ва ўз ўрнида ундан руҳланиш кузатилиши тайин. Бу, шубҳасиз илмий фаолият жараёнининг дастлабки самараларидан далолатдир. Бунда ўқитувчининг илмий салоҳияти муҳим ҳисобланиб, илмий фаолиятни олиб ўз шогирдига нисбатан аниқ режа ва муайян талаблар қўя олиши зарур. Демак, ўқитувчи томонидан илмий тадқиқотларни ташкил қилишнинг маълум назарияси ва методологияси ишлаб чиқилиши ва уларни амалиётга қўллаш олиши муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда олий таълим соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил қилиш таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияли илмий мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Ушбу муаммолар ечимини топиш, уларни амалда кенг қўллашда аниқ вазифалар сифатида бевосита илмий тадқиқот жараёнини тўғри ташкил қилиш, илғор инновациялар ва технологиялардан унумли фойдаланиш, илмий тадқиқот дастурларини жаҳон андозаларига мос ҳолда янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалиётга жорий этиш, техник воситаларидан, жумладан масофадан ўқитиш усулларидан кенг фойдаланиш кабиларда ўз аксини топмоқда [4. Б. 22].

Илмий тадқиқотларнинг типлари: Илмий тадқиқотлар ўз моҳиятига кўра ягона мақсад сари йўналтирилганлиги, бир-бири билан боғлиқлиги, таснифи ва тавсифига кўра турли типларга бўлинади. Булар қуйидагилардир:

- 1) фундаментал тадқиқотлар;
- 2) амалий тадқиқотлар;
- 3) тадқиқотчилик лойиҳа-конструкторлик ишланмалар;
- 4) инновацион тадқиқотлар;
- 5) Ёшларнинг амалий ва фундаментал тадқиқотлари.

Илмий тадқиқотларнинг типларига тавсиф беришда илмий тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичлари уни бажаришда иштирок этадиган кишилар билим даражаси билан белгиланиб, индивидуал маҳоратга ва шахсий ихтиро ва ташаббусларга ҳам асосланишини қайд этиш ўринли. Бунда илмий тадқиқотларни олиб боришнинг зарур методологияси белгилаб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқот фаолияти бўйича илмий фаолият технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий методологик ёндошувлар муҳим аҳамият касб этишини таъкилдаш ўринли бўлади. Илмий тадқиқотларни ташкил этишда тадқиқотчи мавжуд

манбалардан тўғри ва унумли фойдалана олиши, уларни ҳаққоний ўргана олиши ва таҳлил қилиши муҳим аҳамият касб этади. Яъни, тадқиқотчи илмий тадқиқотни ташкил этиш ва ёндашувда бир қанча усулларга таянмоғи муҳим. Бундай усуллардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот олиб бориш тадқиқотчидан катта маҳорат талаб этади. Булар қуйидаги тамойиллардир:

Илмийлик, холислик (объективлик); таҳлил ва қиёсий таққослаш; мантиқийлик ва узвийлик; ворислик ва изчиллик; хронологик кетма-кетлик, кузатиш, солиштирма таққослаш асосида умумлаштириш ва зарур хулосалар чиқариш; бахслашиш, мунозара юритиш ва исботлаш методи; математик ҳисоблаш, шакл ва моделлаштириш; айримликдан умумийликка ва умумийликдан айримликка ўтиш тамойили кабилар.

Маълумки, тадқиқотчи учун дастлабки илмий тадқиқот пиллапоялари олий таълимдан бошланади. Шу ўринда олий таълим тизимида барча фанлар доирасида илмий тадқиқотларни ташкил этишда, илмга кириб келаётган ходимлар илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш юзасидан қуйида баъзи таклиф ва мулоҳазаларни баён этиш мақсадга мувофиқ. Яъни, профессор ўқитувчилар томонидан илмий тадқиқотчилар, докторант ва магистрларга умумтаълим фанлари тизимида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг ва такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- *Биринчидан*, магистратура йўналишларидаги фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар авваломбор камида фан номзоди ёки Phd илмий даражасига эга бўлиши, ўз фанининг етук мутахассиси бўлмоғи, ўз фанини яхши биладиган, замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдалана оладиган, илмий тадқиқотнинг янги усуллари кашф эта оладиган ижодкор бўлиши;
- *Иккинчидан*, илм беришда ва илмга йўналтиришда ўқитувчи ҳар қандай вазиятда, ҳаттоки илмий тадқиқотларни ташкил этишда ҳам оддий усуллардан фойдаланмоғи ва мукамал илм бериш йўллари излаб топмоғи, уларни моҳирона қўлламоғи ҳамда ўз шогирдига тўғри йўлланмалар бермоғи;
- *Учинчидан*, дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда магистратура босқичи фанлари туркумига кирувчи соҳа ва йўналишларни ўқитишда эришилган тарихий тажрибаларни илмий ўрганиш методларини ишлаб чиқиши ва уни оммалаштиришга эриша олиши;
- *Тўртинчидан*, профессор-ўқитувчилар иқтидорли талабаларни илмий фаолият билан шуғилланишлари учун “устоз-шогирд” тизимининг мукамал механизмини ярата олиши ва унга амал қилмоғи;
- *Бешинчидан*, иқтидорли талабалар билан ўтказиладиган машғулотларга соҳа олимларини таклиф этиш, баҳс-мунозарали мавзулар доирасида суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказа олиш кўникмасига эга бўлиши;
- *Олтинчидан*, фанларни бошқа фанлар тизимида тутган ўрнини тўғри баҳоламоғи, фанлараро боғлиқлик ва узвийликни таъминлашга эътибор қаратмоғи муҳимдир.

Шу ўринда фанларни ва уларнинг ёрдамчи соҳалари билан узвийлигига эътибор қаратиш асносида умумкасбий кўникма ва билимларни талабалар онгига сингдиришда узвийлик принципига аҳамият бериши муҳим. Ушбу фанлар ва махсус курсларнинг

мазмунига, шунингдек янги Ўзбекистоннинг энг янги даврида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ислохотлар, дунёда содир бўлаётган барча жадал ўзгаришларни сингдиришга эришиш ва уйғунлаштириш зарур бўлади. Махсус факултетларда магистратура босқичининг турли йўналишларига ажратилган соатлар ҳажми турлича бўлсада, магистр талабаларнинг илмий фаолиятларини ташкил этиш ва ўзлаштиришлари ҳамда ҳаётга тадбиқ эта олишларига эришиш ижобий самара беради.

Барча фанларда ва унинг ёрдамчи соҳаларида фанлараро алоқалар тўғри йўлга қўйиш таъминланса, масаланинг мазмуни янада бойиб боради, мавзу ва масалаларнинг бир-бирини такрорлашнинг олди олинади, илмийлик ошади, зерикишларга йўл қўйилмайди. Фан доирасида илмий фаолият олиб бораётган тадқиқотчи албатта оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилаётган материаллар билан мунтазам танишиб бориши, уларни атрофлича ўрганиши, уларда илгари сурилган илмий-назарий тамойилларни ҳар бир талаба онгига етказиши мақсадга мувофиқ. Муҳими олимнинг салоҳияти унинг турли журналларда нашр қилган илмий мақолаларининг сони ва салмоғи ҳамда республика ва хорижда ўтказилган конференцияларидаги илмий маърузаларда аниқланади. Шу боис, тадқиқотчи учун нашр этилган ишлари рўйхатини доимий тўлдириб борилиши ва маърузалар мазмунининг турли туманлиги унинг имиджи шаклланишига асос бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида шуни қайд этиш зарурки, бугунги жадал ислохотлар даврида илм-фан соҳасига ҳам янги тафаккур асосида ёндашиб, фанлар тизимида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги аён бўлмоқда. Бунда олий таълим соҳасида ва илмий тадқиқот марказларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, давлатимиз тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи, айниқса, фан-техника тараққиёти шу жамиятда яшаб, ижод қилувчи инсонларнинг ақлий, илмий баркамоллигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётган бугунги кунда илмий фаолият билан шуғилланувчи тадқиқотчиларни янги талаблар асосида тадқиқот олиб боришга йўналтириш муҳам аҳамият касб этаётганлигини кўрсатди. Бу жараён Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, фақатгина илм орқали, ҳар бир нарсага илмий ижодий ёндашув ва китоб мутоаласи орқали амалга оширилади. Демак, фанда ҳам ёш тадқиқотчиларни бугунги жадал ислохотлар талабидан келиб чиқиб, илмга тўғри йўналтира олсак, танланган илмий тадқиқот мавзулари устида мукамал ишлай олсак, илмга ижодий ёндошилсагина, келажакда ёш олим ва тадқиқотчиларнинг замонавий авлодини шакллантира оламиз. Умуман, илм-фан соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш учун бизнингча муаммонинг қуйидаги йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларнинг долзарб масалаларини ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар асосида замонавий асосга эга ўқув ва илмий адабиётларининг янги авлодини яратиш:

Иккинчидан, олий таълим муассасаларини янги мазмундаги тарқатма, ўқув-услубий ҳамда дидиактик материаллар билан таъминлаш (жумладан, лаборатория ускуналари, хариталар, илмий-методик адабиётлар атласлар, макетлар ва ҳ.к);

Учинчидан, фанларнинг долзарб муаммоларига оид мавзулар доирасида хоорижий давлатлар билан илмий ҳамкорликларни янада кенгайтириш, хорий адабиётлар ва манбалар, айниқса чет тиллардаги илмий-методик нашрларни ўзбек тилига таржима

қилиш, яъни таржимашунослик билан боғлиқ илмий изланишларни янада такомиллаштириш кабилар.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Шермухамедова Н. Илмий тадқиот методологияси. Т., 2014.-Б 9.
2. Шермухамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. Т., 2014. –Б 9
3. Толипов Ф, Исроилов Б. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. // Ўқув-услубий қўлланма. -Т., 2017.-22.
4. Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (ўқув қўлланма)- Т., 2011.-Б 9.